

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАШИБЕКОВА МУНОЖАТ ХОШИМОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА STEAM – ТАЪЛИМ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**  
**(Табиий фанлар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Ташибекова Муножат Хошимовна**

Бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш  
методикаси (Табиий фанлар мисолида)..... 3

**Ташибекова Муножат Хошимовна**

Методика использования технологии STEAM в начальных классах  
(На примере естественных наук)..... 29

**Tashibekova Munojat Xoshimovna**

Methodology of using STEAM – educational technology in primary classes  
(On the example of Natural Sciences ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАШИБЕКОВА МУНОЖАТ ХОШИМОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА STEAM – ТАЪЛИМ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**  
**(Табиий фанлар мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Ped2746 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Асқарова Ўғилхон Мамашакировна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Шоҳида Жалолиддиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Кўчқарова Наргиза Мамажановна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Кўкон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “19” декабрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1167 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2022 йил “6” декабрь куни тарқатилди.  
(2022 йил “6” декабрдаги 27 - рақамли реестр баённомаси).



**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

**Ш.К.Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

**К.М.Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда таълим соҳасини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалар сифатида эътироф этилмоқда. Таълим ҳар бир давлатнинг маънавий-маданий ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи асос ҳисобланади. Таълим парадигмасида ҳар бир ўқувчининг индивидуал ривожланиш имкониятларини ҳисобга олиб, замонавий ўқитиш тизимида STEAM – таълим технологияси асосида ўқувчиларда фанларга оид компетенцияларини шакллантириш, уларда мустақил фикрлаш, ижодкорлик, яратувчанлик, ташаббускорлик, мулоқотга тезда кириша олиш каби хусусиятларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида комплекс ёндашув асосида бошланғич таълимдан бошлаб ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг методик асосларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Дунёда таълим олувчиларнинг табиий фанлар бўйича илмий дунёқарашини ошириб боришини таъминлаш, хусусан, бошланғич синф ўқувчиларининг билим даражасини жаҳон стандартларига мослаштириш мақсадида замонавий ўқитиш таълим дастурларининг самарадорлик кўрсаткичини белгилашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг самарали таълим технологияси сифатида STEAM – таълим технологиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур таълим технологияси ўқувчиларда илмий, технологик, конструктив, бадиий-эстетик ва математик компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса, бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитиш жараёнларига STEAM – таълим технологиясини қўллаш орқали ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришни тақозо қилади.

Республикамизда таълим босқичларини модернизациялаш жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришга қаратилган фанлараро интеграциясини таъминлаш, амалий изланишли фаолиятга йўналтирилган STEAM – таълим технологиясини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармонида “STEAM фанларни ва танқидий фикрлаш, ахборотни мустақилишлаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ҳамда малакаларини ривожлантиришга алоҳида урғу беришини ҳисобга олган ҳолда, замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган умумтаълим дастурлари ва янги давлат таълим стандартлари жорий этиш”<sup>1</sup> каби вазифалар аниқ белгилаб берилган. Шу билан бирга Ўзбекистон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони. - Электрон ресурс <https://lex.uz/docs/4312785>

Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида умумий ўрта таълимни миллий педагогик тажриба ва халқаро таълим дастурларига асосланган ҳолда ривожлантириш вазифаси қўйилган эди. Халқаро баҳолаш дастурлари ( PIRLS, PISA, TIMSS, EGMA, EGRA) талабларига мос келадиган топшириқлар билан ишлашга мўлжалланган STEAM – таълим технологиясини бошланғич таълимга, хусусан, табиий фанларни ўқитишга жорий этиш мазкур жараёни амалга ошириш модели ва методик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон “2022-2026 йилларда Халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда интеграцион ўқитиш жараёнларини ташкил этиш масаласи бўйича А.Зуннунов, А.Сулаймонов, У.Мусаев, Р.Мавлонова, Р.Бурхонов, Р.Сафарова, Б.Абдуллаева, Ш.Юсупова, Д.Режапова, З.Азимова, Т.Нажмиддинова, Р.Жураев, Х.Назарова, Э.Турдиқулов, М.Мирқосимова, Т.Нуриддинов, Н.Абдуллаева, Н.Абдусаматова, Х.Юлбарсовалар, Ш.Мусурмонова; ўқувчиларда табиий-илмий ва экологик билимларни шакллантириш муаммоси А.Азизов, А.Абдулқосимов, И.Абдуллаев, М.Алиқулова, П.Ғуломов, Н.Мамашокиров, А.Тухтаев, Г.Комилова, П.Баратов, С.Матсаидова, Ш.Отабоев, С.Сулаймановалар, М.Тоштемирова, Г.Қосимова, Ф.Очиловлар томонидан тадқиқ этилган. Табиатшунослик ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари М.И.Нуритдинова,

Ш.Мирзаахматова, Д.Пўлатова, Х.Б.Норбўтаевлар, Ж.Толипова, Ш.Р.Турдиев, И.Ю.Арипов, Ф.Мардонова, Т.Л.Очилова, Л.Ч.Ражабов, Ф.Авазбоевлар томонидан ёритилиб, улар таълимда STEAM ёндашуvidан фойдаланишнинг моҳияти хусусида бир қатор изланишлар олиб борганлар.

Бошланғич таълимга халқаро баҳолаш дастурларини ва ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни тадбиқ этиш масаласи Б.Х.Ходжаев, М.Асқарова, Г.Қосимова, А.Маткаримов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан А.Григорянц, Е.Вельская, А.Волосова, О.Даутова, С.Воровщиков, В.Доманский, А.Хуторский, Г.Федотова, Э.Зеер, Э.Макаренко, В.Калней, А.Новиковларнинг тадқиқотларида ўқувчиларнинг таълим ва когнитив компетенцияларини шакллантириш масалалари атрофлича ёритилган. А.Савенков, К.Бабанский, А.Гладкова, Н.А.Семеновалар мактаб ўқувчиларининг ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш муаммосини ўрганишган, Д.Крилов, И.Церковная, В.Маркова, С.Конюшенко, М.Жуков, Е.Мошев, Е.Р.Шипулина, Ю.А.Кузьминаларнинг тадқиқотларида STEAM – таълим технологиясининг мазмун-моҳияти ҳамда мазкур таълим орқали ўқувчиларда тадқиқотчилик билимларини шакллантириш масалалари кенг ёритилган.

Хорижлик олимлардан G.Yakman, M.Sanders, J.Brainer, S.Harkness, K.Jonson, K.Kohler, V.N.Chemekov, S.A.Averin, W.H.Tan, R.Subramaniam ва бошқаларнинг изланишларида STEAM таълими феноменини ўзига хос тарзда тадқиқ этилган.

Бироқ бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш методикасининг илмий талқин этилмаганлиги, табиий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг методик тизими ва компонентларининг аниқлаштирилмаганлиги ҳамда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикасининг алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 561624-ЕРР. “Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш” (2018-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синфлар табиий фанларни ўқитишда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланишнинг таркибий тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларини аниқлаштириш;

STEAM – таълим асосида табиий фанлар бўйича ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг методик босқичларини такомиллаштириш;

STEAM – компетенциялар асосида бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш жараёнлари танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий таҳлил, педагогик кузатиш, суҳбат, эксперт баҳолаш, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, педагогик эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш методикасининг таркибий тузилмаси интерфаол шакл ва методларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлайдиган контентлар, электрон воситалар, тарқатма материаллар ҳамда табиий воситалар ёрдамида амалий билимларни эгаллашга қаратилган жамоавий, гуруҳий ва индивидуал шаклдаги тажрибаларга асосланган лойиҳавий фаолиятга устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришнинг методик хусусиятлари икки ва ундан ортиқ ўқув фанларидаги тушунчалар ва далилларнинг таҳлиliga асосланган предметлараро, таълим мазмунининг асосий ва қўшимча компонентларининг синтезини талаб этувчи транспредметли интеграциясининг продуктивлигини қатъий белгилаш орқали аниқлаштирилган;

STEAM – таълим асосида табиий фанлар бўйича ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг мотивацион, когнитив, мазмунли, фаолиятли-жараёнли, рефлексив босқичлари технология, кимё, физика, конструкторликка доир билимларни илмий далилларга асосланган ҳолда ўрганиш имкониятини берувчи муаммоли-лойиҳавий ўқитиш технологияси адаптивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантириш модели STEAM компетенциялари (табиий-илмий, технологик, конструктив, бадиий-эстетик, математик)ни анъанавий ва ноанъанавий дарслар (аралаш, амалий машғулотлар, лойиҳа ишлари), дарсдан ташқари машғулотлар (ижодий танловлар, амалий тажрибалар,

мустақил уй ишлари) жараёнида шакллантиришнинг методик шартларини вертикал ва горизонтал йўналишда бойитиб бориш имкониятини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

STEAM–таълим технологияси асосида ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини шакллантириш самарадорлигини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

таълим сифатини баҳоловчи халқаро тадқиқот талаблари асосида бошланғич синфларда STEAM ўқитиш усулига асосланган машғулотларининг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида илмий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган STEAM лойиҳа ишланмалари яратилган;

бошланғич синф ўқитувчилари учун “STEAM darslari. O’qituvchi elektron kitobi” номли электрон услубий қўлланма тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллار, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланишнинг таркибий тузилмаси ва компонентлари, бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, STEAM – таълим технологияси асосида ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини шакллантириш самарадорлигини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари, STEAM компетенциялар мазмун-моҳиятининг очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Табиий фанлар” фанини ўқитишда STEAM – таълим технологиясини қўллаш орқали бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг педагогик модел ва методик шарт-шароитларининг такомиллаштирилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантиришга доир инновацион ва ахборот технологиялар асосида дидактик таъминотнинг яратилганлиги, табиий-илмий саводхонликни баҳолашнинг диагностик усулларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

Бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш методикасининг таркибий тузилмасини интерфаол шакл ва методларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлайдиган контентлар, электрон воситалар, тарқатма материаллар ҳамда табиий воситалар ёрдамида амалий билимларни эгаллашга қаратилган жамоавий, гуруҳий ва индивидуал шаклдаги тажрибаларга асосланган лойиҳавий фаолиятга устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “STEAM darslari. O'qituvchi elektron kitobi” номли электрон услубий қўлланма яратишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 12-августдаги 01/11-02/-02-1270-сон маълумотномаси). Натижада, табиий фанларни ўқитиш жараёнида STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

Бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришнинг методик хусусиятларини аниқлаштириш, STEAM – таълим асосида табиий фанлар бўйича ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришнинг мотивацион, когнитив, мазмунли, фаолиятли-жараёнли, рефлексив босқичларини технология, кимё, физика, конструкторликка оид масалаларни илмий далилларга асосланган ҳолда муҳокама қилиш имкониятини берувчи муаммоли-лойиҳавий ўқитиш технологияси адаптивлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Педагогика назарияси ва тарихи” (1-қисм) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сон бўйруғи, 538-169-рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш таъминланган;

Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантириш модели STEAM компетенциялари (табиий-илмий, технологик, конструктив, бадиий-эстетик, математик)ни анъанавий ва ноанъанавий дарслар, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида шакллантиришнинг методик шартларини вертикал ва горизонтал йўналишда бойитиб бориш имкониятини кенгайтириш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Наманган давлат университетининг А-5-37 “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасининг бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантиришга доир ўйинларда фойдаланилган (Наманган давлат университетининг 2022 йил 1 ноябрдаги 1207-04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда табиий фанларга доир билимларни геймификация ёрдамида шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, 2 та дарслик, 1 та электрон услубий қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 171 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, методлари, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқот ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясини қўллашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш долзарб педагогик муаммо эканлиги, ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг психологик-педагогик ва методик хусусиятлари ҳамда бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланишнинг амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи ахборот ва технологик тараққиётнинг жадал суръатларда тезлашиши билан тавсифланади. Бунинг натижасида билим ва технологиянинг тез эскириши ҳамда инсоннинг доимий рақобатда бўлиши ифодаланади. XXI аср инсонларининг муваффақияти шахсий ва касбий фазилатларига боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳимлари – танқидий фикрлаш, ижодкорлик, мустақиллик, ўз фаолиятини ташкил этиш қобилиятидир. Бу компетенцияларнинг барчаси таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Бугунги таълим фалсафасида таълимнинг энг қуйи поғонасидан бошлаб ўқитиш ва тарбиялашни уйғунлаштириш, инсон ҳамда табиатни яхлит узвий жараёнлар сифатида ўрганиш, англаган ҳолда таҳлил қилиш имконини бериш, табиий, илмий ва гуманитар билимларни ўзаро мужассамлаштириш асосида ташкил этишга эҳтиёж сезмоқда. Бу эса ўз навбатида бошланғич

мактаб даврида ўқувчиларини керакли билимларни мустақил ўрганишга, ижодий иш кўришга, шунингдек, ўқишга нисбатан шахсий мотивацияни пайдо қилиш, ўрганилган назарий билимларни реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш заруриятини вужудга келтиради. Таълим ва тарбия борасида бундай ёндашувлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарорининг 5-илоvasи билан тасдиқланган Давлат таълим стандартида “Таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатларини шакллантирилишига, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши” зарурлиги билан белгиланади. Айниқса, ушбу лаёқатларни бошланғич мактаб давридан бошлаб шакллантирилишига эришиш таълимнинг кейинги босқичларида таянч ва фанга оид компетенцияларни чуқур эгаллаш имконини беради.

Мазкур бобда “технология”, “таълим технологияси” ва “STEAM” атамаларининг мазмуни ва улар ўртасидаги боғланиш талқин этилган.

Технология – 1) шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонуниятларини мужассамлаштирган ва якуний натижани кафолатлайдиган педагогик ҳодиса; 2) таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, педагогик ва ўқув фаолиятини ташкил қилиш усуллари тавсифи. Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш.

**STEAM – таълим технологияси** таълим жараёни иштирокчиларининг ўқитишнинг турли замонавий усул ва шакллариининг ўзаро интеграциялашувини таъминлайдиган контекстлар, электрон воситалар, тарқатма ҳамда табиий воситалар ёрдамида амалий билимларни эгаллашга қаратилган жамоавий, гуруҳий ва индивидуал шаклдаги тажрибаларга асосланган лойиҳавий фаолиятдир.

Ушбу технология танқидий фикрлаш, тадқиқотчилик қобилиятлари ва кичик гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш воситаси сифатида бир нечта фан соҳаларини бирлаштирган замонавий таълим технологиясидир. STEAM – таълим технологияси интеграцион ёндашув асосида ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот, техник ижодкорлик ва лойиҳа фаолиятига йўналтирувчи махсус таълим муҳитини интерпретация (лотинча, талқин қилиш, тушунтириш) қилишда намоён бўлади. Фан ва технологиялармуҳандислик иши ҳамда санъат орқали интерпретацияланади, буларнинг барчаси математик элементлар воситасида тушунилади.

STEAM назариётчиси G.Yakman таърифига кўра, STEAM – фан ва технология, муҳандислик ҳамда санъат орқали талқин қилинган бўлиб, уларнинг барчаси математика элементларига асослангандир. STEAM –бу

нарсаларнинг бир-бири билан алоқаси ва ҳақиқийлигини боғловчи таълим технологиясидир.

Амалиётчи STEAM педагог Майкл Окино “STEAM – ўқувчиларни ҳаётдаги инновацияларга, энг муҳим қонуниятларни қўллай олишга тайёрлайди. Муҳими – жараён ва ҳодисаларнинг эслаб қолиш эмас, тушунишдир. Янги билимларни ёдда сақлаб қолиш учун ўз тажрибасидан ўтказиш керак. STEAM – таълим технологияси ижодий тажрибаларга асосланган самарали ўқитиш услубидир”, – дея таърифлаган эди.

STEAM – таълим технологиясининг таҳлили асосида унинг турли соҳаларга йўналтирилганлиги ва ҳар бир шаклининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, таққословчи жадвални шакллантирилди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### STEAM – таълим технологиясининг ривожланиш босқичлари

№	Қисқартмаларнинг номланиши	Инглиз тилидаги номи	Таснифи
1.	<b>STEM</b>	Science, Technology, Engineering, Mathematics	Қонуниятларни тушуниш учун муҳим бўлган фан, технология, муҳандислик ва математикани бирлаштиришга мўлжалланган таълим технологияси.
2.	<b>STEAM</b>	Science, Technology, Engineering, Arts and Mathematics	Фан, технология, муҳандислик, ва санъатни математика билан бирлаштириш асосида ўрганишга мўлжалланган таълим технологияси.
3.	<b>STREAM</b>	Science, Technology, Reading + Writing Engineering, Arts, and Mathematics	Ўқиш ва ёзиш орқали қонуниятларни ўрганиш учун муҳим бўлган фан, технология, муҳандислик, санъат ва математика билан бирлаштиришга мўлжалланган таълим технологияси.
4.	<b>STEM PhBL</b>	Science, Technology, Engineering, Mathematics through Phenomenon-based learning	Ҳодисаларни ўрганиш асосида табиат қонуниятларини тушуниш учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани уйғунлаштиришга мўлжалланган таълим технологияси
5.	<b>STEM PBL</b>	Science, Technology, Engineering, Mathematics through Problem-based learning	Муаммоларни ўрганиш асосида табиат қонуниятларни тушуниш учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани уйғунлаштиришга мўлжалланган таълим технологияси

Маълумки, миллий ўқув дастурига асосланган фанлар ичида экологик таълим-тарбияни ўзида акс эттирувчи табиий фанлар ва табиатшунослик дарслари ёш авлодда табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришга яқиндан ёрдам берувчи фанлар блоки ҳисобланади.

Ҳар қандай билим ўқувчилардаги англаш жараёнининг натижаси билан белгинади. У маълумотни таҳлил қилиш ва ундан ҳар қандай фаолиятда фойдаланиш ёки янги билимларни олиш учун инсониятга жуда зарурдир. Шу маънода STEAM – таълим технологияларининг ўқитиш тизимига жорий этилиши хориж тажрибаларини миллий таълим тизимига мослаштириш ва таълим сифатини таъминлашда самарали натижага эришишни кафолатлайди.

Мазкур таълим технологиясини ўқитиш жараёнига тадбиқ этишда қуйидаги бир қатор тамойилларга асосланилади: узулуксизлик ва яхлитлик; интеграцион ёндашув; илмий асосланганлик; таълим мазмунининг инсонпарварлиги тамойили; назариянинг амалиёт билан уйғунлиги; конгитив-визуаллик; эркин фаолиятли ёндашув; инкорпорацион фаолият; синергетик фаолият; ижодий-изланишли фаолият; коллоборатив ёндашув тамойиллари.

Ўқитиш жараёнини STEAM – таълим технологияси асосида ташкил этиш лойиҳалаш методига таянган ҳолда табиий фанларга оид илмий билимларни ташқи олам билан бевосита боғлаш асосида тизимли равишда ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга табиий-илмий билимларни эгаллашда атрофдаги рўй бераётган жараёнларни мантикий мушоҳада қилиш, улардаги ўзаро алоқани англаб етиш, ўзи учун янги ноодатий ва қизиқарли нарсаларни кашф этиш имконини яратади.

Бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиб, ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантириш методикасини ишлаб чиқишда бир қатор муайян педагогик вазифалар қатъий белгиланган: ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиш; табиий фанларга оид тушунчаларни ҳосил қилиш, олган назарий билимларини амалиётда қўллашга нисбатан қизиқишни уйғотиш; ўқувчиларнинг табиий фанларни ўзлаштиришда материални тўғри идрок қилиши, мантикий эса қолдириш кабилар ниҳоятда зурурдир.

Диссертациянинг мазкур бобида анъанавий таълим ва STEAM – таълим технологиясининг ўзига хос жиҳатлари: мақсад, мотивация, бошқарув, ўқувчи фаоллиги, шакл, метод, ёндашув, восита, ташҳис ва баҳолаш каби бир қатор хусусиятларига кўра солиштирма таҳлил қилинган.

Бошланғич синфларда ўқитиладиган табиий фанлар ва табиатшунослик фанлари ўқувчи шахсини шакллантиришнинг бошланғич даврида амалга ошириладиган, атроф-олам ҳақидаги илмий билишнинг дастлабки кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ҳамда ижтимоий муносабатларга киришишларини таъминловчи муҳим фанлардан биридир. Мазкур фанларни ўқитиш жараёнида STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш

бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришнинг бир қатор педагогик-психологик ва методик хусусиятларини таҳлил қилиш имконини беради (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Бошланғич синф ўқувчиларининг STEAM – таълим технологияси асосида табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятлари

Педагогик хусусиятлари	Психологик хусусиятлари	Методик хусусиятлари
Суггестивлик	Психологик тайёргарлик	Мақсадга йўналганлик
Коллаборативлик	Креативлик	Фанлараро боғланиш
Медиасаводхонлик	Қизиқувчанлик	Амалий натижавийлик
Коммуникативлик	Ижодий эгилувчанлик,	Изчиллик
Педагогик ҳамкорлик	Ўз-ўзини намоён эта олиш ва индивидуаллик	Шахсга йўналганлик
Ташаббускорлик	Иродавийлик	Фаолиятга йўналганлик
Фаоллик	Мнемик жараён	лойихавийлик
Изланувчанлик	Мотивация	адаптивлик
Танқидий фикрлаш	Интеллектуаллик	идентивлик
Рефлексивлик	Аффективлик	конструктивлик

Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг мақсадли, мотивацион, когнитив, фаолиятли-жараёнли, компетенциявий ва натижавий-баҳоловчи компонентлари ҳамда уларнинг мазмуни диссертациянинг биринчи бобида атрофлича таҳлил қилинган.

Шу билан бирга мазкур бобда бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланишнинг амалиётдаги ҳолатини таҳлил этиш мазкур таълим технологияси таълим амалиёти учун нечоғлик зарур эканлигини исботланди. Республикамизнинг барча ҳудудларида STEAM фанларига асосланган Президент таълим муассасалари агентлиги таркибига киритилган Президент мактаблари, ихтисослашган, ижод ва таянч мактаблар фаолиятининг йўлга қўйилиши умумтаълим мактабларининг бошланғич синф давриданок мазкур таълим технологиясига асосланган ҳолда билим бериш заруриятини вужудга келтирди. Янги Миллий ўқув дастурига асосланган табиий фанлар дарсликлари мазмунида акс этган STEAM дарслари горизонтал ва вертикал усулда таҳлил қилиниб, интеграцион ёндашув тамойилларига асосланганиди.

STEAM – таълим муҳитини ташкил этишда табиий фанларга оид ўқув материали мазмунини интеграциялаш уч босқичда амалга оширилади:

1) мавзулараро интеграция – алоҳида ўқув предметлари ичидаги тушунча, билим ва кўникмаларнинг ўзаро уйғунлиги; 2) фанлараро интеграция – икки ва ундан зиёд ўқув фанларининг тамойиллари,

тушунчалар ва далил, асосларининг таҳлили; 3) транспредметли интеграция – таълим мазмунининг асосий ва кўшимча компонентларининг синтези.

Интеграцион ёндашув асосидаги кузатиш ва таҳлил жараёнида табиий фанларни ўқитиш амалиётидаги қуйидаги бир қатор муаммолар: аксарият педагогларнинг доимий бир хилликда ўқитишга мослашганлиги, халқаро баҳолаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш малакасининг етишмаслиги, илмий-услубий дидактик таъминот ҳамда мазкур таълим технологияларини тадбиқ этиш бўйича мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги, янги Миллий ўқув дастурига асосланган дарсликларда акс этган STEAM дарсларини ташкил этишдаги номутаносибликлар ҳам тадқиқотнинг биринчи бобида атрофлича ёритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланишнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда STEAM компетенцияларни шакллантиришга қўйиладиган дидактик талаблар, табиий фанларни ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида илмий дунёқарашни шакллантиришнинг методик тизими, STEAM – таълим технологияси асосида табиий фанлардан ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш методикаси тўғрисидаги амалий иш шакллари шарҳланган.

Бошланғич синфларда табиий фанлар дарслари 1-синфда ҳафтасига 1 соатдан жами 33 соат, 2-синфда эса табиий фанлар ҳафтасига 2 соатдан 66 соатни ташкил қилади. 3-синф табиий фанлар амалдаги табиатшунослик дарси билан алмаштирилиб, 2022-2023 ўқув йилларда амалиётга жорий этилиб, ҳафтасига 2 соатдан ўқитилиши режалаштирилган. 3-синф ҳамда 4-синфларда мазкур ўқув йилига қадар “Табиатшунослик” фани сифатида ўқитилиб, ҳафтасига 1 соатни ташкил этган. Умумтаълим фанлари кесимида ўқув дастурларини таҳлил қилиш жадвали ишлаб чиқилган ва мазкур жадвал асосида ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига кўра, STEAM фанларни жорий қилиш жараёнида ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш лаёқатларини шакллантирадиган дастурлар ва янги давлат таълим стандартлари жорий этилиши белгиланган. Бошланғич синф табиий фанларни ўқитишда STEAM фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва ахборот технологиялари билан ишлаш имкониятлари яратилмоқда. Миллий ўқув дастур талаблари асосида яратилган табиий фанлар дарслигидаги назарий мавзулар, амалий машғулотлар ва лойиҳа ишлари ўқувчиларда табиий фанларга оид илмий дунёқарашни шакллантирибгина қолмай, балки амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган интеграцион ёндашувга асослангандир.

Табиий фанларни ўқитиш жараёнини STEAM – таълим технологияси асосида ташкил этиш ўқувчиларнинг табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш, табиат қонуниятларининг туб моҳиятини англашга, билишнинг илмий (кузатиш, тажриба ўтказиш) методларини ўзлаштириш, мактабда олган билимларидан кундалик ҳаётда муаммоларга нисбатан

қўллаш олиш кўникмаларини эгаллаш имконини беради. Шу билан бирга когнитив, ахлоқий, ҳиссий фазилатларни ривожлантириш, экологик билим ва маданият ҳамда ўқувчиларда табиатни асрашга бўлган муҳим ижобий фазилатлар (муносабат ва қадриятлар)ни шакллантиришга ёрдам беради.

Бошланғич синф ўқувчиларини табиий фанларни ўқитишда мослашувчан ва махсус STEAM компетенцияларини шакллантириш, халқаро баҳолаш дастурлари (PISA – ўқиш, математика ва табиий фанлар бўйича таълимий ютуқларини баҳолаш, TIMSS – математика ва табиий йўналишдаги ўзлаштиришларини баҳолашнинг халқаро дастури) талаблари даражасида табиий-илмий саводхонликни баҳолашга йўналтирилган билимларни эгаллаш мақсадида замонавий ўқитиш технологиялардан фойдаланиш методикасини ишлабчиқиш заруриятини вужудга келтирди. PISA, TIMSS халқаро баҳолаш дастурларининг мақсади иштирокчи давлатларнинг ўз манфаатлари йўлида рақобатбардош муҳитни яратиш эмас, балки эришилган натижаларга кўра мавжуд таълим тизимини яхшилаш ҳамда ҳар бир ўқувчининг яхши натижаларга эришиши учун қулай имконият яратиб беришдан иборат. PISA, TIMSS тестлари бошланғич синф ўқувчиларини ҳаётда учрайдиган ҳақиқий ҳодисаларни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш ва мулоқотга киришиш кўникмаларини қай даражада эгаллаётганини аниқлаш мақсадида STEAM – таълим технологиясига асосланган табиий фанлар дарсларига адаптивлаштирилган. Мазкур таълим технологияси ўрганилаётган мавзуга оид ҳаётий ҳодисаларни тушуниш, тақдим этилган муаммони таҳлил этиш, ҳал этиш йўллари белгилаш, кузатув ва тажрибалар асосида хулосалар чиқариш каби амалий компетенцияларни шакллантиришга ёрдам беради.

STEAM – таълим технологияси асосида ташкил этилган табиий фанлар дарслари орқали ўқувчилар атрофимиздаги оламни тушуниш ва инсон фаолияти натижасида унда содир бўлаётган ўзгаришларни англаб етиш, ўрганилаётган мавзуга доир муаммони ҳал этиш жараёнида қарорлар қабул қила олиш кўникмаларининг шаклланишига ҳамда STEAM компетенцияларини эгаллашга эришадилар.

STEAM компетенцияларига асосланган ёндашув – бу ўқувчининг табиий шароитига яқинлаштирилган муҳитни ташкил этган ҳолда замонавий жамият талаблари асосидаги билим олишини таъминлаш мезонидир. STEAM – таълим технологияси ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлигини шакллантиришга ёрдам берибгина қолмай, фаол фуқаролик позициясида бўлиши, муаммоларни ҳал қила олиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Бу таълим технологияси ўқувчиларнинг келажакда нафақат табиий фанларга оид муаммоларни ҳал қилишга, балки технология, кимё, физика, конструкторликка оид муаммоларни илмий далилларга асосланган ҳолда муҳокама қилиш имкониятини яратиб беради.

Ўқувчиларнинг табиий фанларга оид илмий дунёқарашни шакллантиришда қуйидаги компетенциявий ёндашувлар ўзига хос ўрин тутди (3-жадвалга қаранг).


## STEAM - компетенциялари ва уларнинг мазмуни

STEAM компетенциялари	Мазмуни ва моҳияти	Табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг анъанавий методлари ҳамда умумпедагогик технологиялар
Табиий-илмий	Ўқувчилар кундалик ҳаётда ҳар қуни дуч келадиган табиат қонуниятларини англаш ва тушунишга ёрдам беради	Кузатиш, тадқиқ этиш, эксперимент, рефлексив технологиялар, “SWOT таҳлил, “Табиат ва мен”; ўйин, муаммоли ва интерфаол технологиялар
Технологик	Эгалланган илмий билимларни эмпирик тажрибаларда қўллаб қўришга имкон беради.	Анализ, синтез, таққослаш, машқ, амалий ишлар, усуллар (ўлчаш, бичиш, тикиш, елимлаш, қирқиш), кум терапия, SKAMPER
Конструктив	Табиий ашёлар, материаллар билан ишлашга ёрдам беради. Амалий тажрибалар (тадқиқотлар) қилиш орқали атроф-муҳитни асраб-авайлашга ўрганади.	Таснифлаш, лойиҳалаш, умумлаштириш, тадқиқ этиш, моделлаштириш, модулли ва лойиҳавий таълим технологиялари
Бадиий-эстетик	Ижтимоий ва тарихий жараёнларни тушуниш, улар билан алоқа қилиш, илм-фанни қувноқ билишини таъминлайди.	Арт технология: имаготерапия, муסיқий терапия, изотерапия, библио ва расм терапияси, “Суггопедия”, “Скрайбинг”, ахборот технологиялар, геймификация
Математик	Аниқлик, мантиқий фикрлаш ҳамда алгоритмларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиради.	Танграм, Топорама, “Фарқларни аниқла”, математик диктант, бошқотирма, ребуслар, математик топшириқлар, интерфаол, кейс ва интерактив ўйинлар, солиштириш, анализ, синтез, таққослаш.

Табиий-илмий саводхонлик – инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили саналади. Табиий фанлар бўйича саводхонлик деганда шахснинг табиий фанлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қила олиши тушунилади. Табиий фанлар бўйича саводхонликка эга бўлган ҳар бир шахс табиий фанлар ва технологияларга оид муаммоларни илмий далилларга асосланган ҳолда муҳокама қилишда иштирок эта олади. PISA, TIMSS халқаро баҳолаш дастурлари асосида тайёрланган топшириқлар ўқувчиларнинг табиий фанлар бўйича саводхонлигини аниқлаш воситасидир. Уларнинг ўзига хос хусусияти бу топшириқларда реал муаммоли ҳодисалар акс этишидадир. Ўқувчилар халқаро баҳолаш дастурларидаги топшириқлар контентида акс этган муаммоли вазиятларни ҳал этишда табиий фанлар бўйича компетенцияларни намоиш этишади.

Табиий фанлар бўйича саводхонликни шакллантиришда қуйидаги илмий билиш турлари (яъни билим) фаннинг мазмунига оид назарий билимлар (шу фанга оид асосий тушунчалар, назариялар, бир қатор қониятларни билишни ўзида акс эттиради), методологик билимлар (табиий фанга оид илмий тадқиқот методлари ва тадқиқот ўтказиш жараёнларини билишни акс эттириб, “нимани қандай қилиб тадқиқ этиш зарур”лигини ифодалайди), эпистомологик билимлар (илмий тадқиқот методларининг имкониятлари ва


тадқиқотнинг аҳамиятини англаб етиши, яъни, “нима учун тадқиқ этиш керак”лигини тушуниш)ни эгаллаши зарур эканлиги тадқиқ этилган. Табиий-илмий саводхонликнинг шаклланишида воқеа-ҳодисалар ёки табиатдаги ўзгаришларни тасаввур қила олиши, ижтимоий ҳаёт билан бирга боғлай олиши ғоят муҳим саналади. Ана шу жиҳатларга кўра у қуйидаги босқичларда амалга оширилади (1-расмга қаранг).



**1-расм. STEAM – таълим технологияси асосида табиий фанлардан ўқувчиларда ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш босқичлари**

Табиий фанларга оид назарий ва амалий билимларни эгаллаш мақсадли, мотивацион, компетенциявий, фаолиятли-методик ва натижавий баҳоловчи компонентлар асосида амалий фаолиятга йўналтиришни назарда тутди (2-расмга қаранг).

Бундай амалий фаолият фақатгина STEAM – таълим технологияси асосидаги ўқув муҳитини яратиш орқали амалга оширилади. Ўқув муҳити фаолиятли – методик компонентнинг ташкил этувчилари: таълимни ташкил этиш шакллари (анъанавий ва ноанъанавий дарслар, даредан ташқари машғулотлар), таълим воситалари (электрон манбалар, ахборот технологиялар, ижодий-изланишли тажрибалар, ижодий топшириқлар, интерактив топшириқлар, адаптив тестлар), методлар (анъанавий ва инновацион) ҳамда умумпедагогик технологиялари (муаммоли, ўйин, рефлексив, арт, кейс, интерфаол, лойиҳавий ва ахборотлашган технологиялари)нинг ўзаро интегратив йўналганлигини таъминлаш асосида кўзланган мақсадга эришиш мумкин.



**2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонлиқни, дунёқарашни шакллантириш модели**

Мақсадга эришиш натижавий - баҳоловчи компонентда ўз аксини топиб, TIMSS va PISA халқаро баҳолаш тадқиқотларининг табиий-илмий саводхонлик йўналишидаги билимларини адаптив топшириқлар асосида синовдан ўтказиш ҳамда табиий фанларни ўзлаштирилганлик мезонлари талаблари даражасидаги кўрсаткичларга эга бўлишни талаб этади. Ўқувчиларнинг шу фанга оид муносабатлари, яъни табиий фанларга бўлган қизиқишлари, тадқиқ этилаётган муаммога илмий ёндашиши, атроф-муҳит ҳақидаги билимлардан хабардорлигига боғлиқдир. Бундай муносабатлар PISA va TIMSS халқаро баҳолаш дастури моделининг муҳим таркибий қисми саналади.

Диссертациянинг иккинчи бобида мазкур халқаро баҳолаш дастури моделида акс этган контекстлар (шахсий, маҳаллий/миллий, глобал), табиий фанлар бўйича саводхонлик компетенциялари (ҳодисаларни илмий жиҳатдан тушуниш; тақдим этилган муаммони таҳлил этиб, ҳал этиш йўллари белгилаш; маълумотлар ва далилларни илмий талқин қилиш), билимлар ҳамда муносабатлар каби таркибий қисмлар алоҳида таҳлил этилган. Шу билан биргаликда 1 ва 3 синф “Табиий фанлар” ва 4 синф “Табиатшунослик” ўқув фанлари горизонтал ва вертикал фанлараро боғланиш усулида таҳлил қилинган. Вертикал усулдаги таҳлилда “Табиий фанлар” дастуридаги 1 - 3 – синфлар учун киритилган мавзулар қуйидаги асосий контекстлар бўйича: тизимлар; материя ва энергия; шакл, тартиб ва тузилиш; масштаб ва ўлчаш; барқарорлик ва ўзгариш; шакл ва функция нуқтаи назаридан солиштирма таҳлил қилинган.

Горизонтал фанлараро боғланишда эса STEAM таркибидаги фанлар бир синф, чорак, ярим йилликда ўқитилаётган фанлар ўртасида бир-бирига яқин мавзулари ўзаро бир-бири билан мувофиқлаштирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш” деб номланган учинчи** бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси ҳамда математик-статистик таҳлил натижалари келтирилган.

Бошланғич синфларда STEAM – таълим технологиясидан фойдаланиш методикасикасига доир тажриба-синов ишлари қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилди: тажриба-синов ишларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги; тажриба-синов ишларининг изчиллиги, тизимлилиги ва узвийлигининг таъминланганлиги; муаммонинг назарий асослари билан амалий ишланмалар орасида ўзаро алоқадорликнинг мавжудлиги; ўқувчиларнинг ўз имкониятларини эркин рўёбга чиқара олишларига эришилганлиги кабилар тажриба-синов ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришишни таъминлади.

Диссертацияда келтирилган назарий таҳлиллар амалий ишланмалар билан уйғунлашганлиги, мавжуд педагогик жараённинг ҳар томонлама таҳлил этилганлиги, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ютуқларни бойитиш таъкидловчи тажриба-синов ишлари давомида белгилаб олинди. Шунга кўра, амалга оширилган таъкидловчи тажриба-синов ишларини

самарали ташкил этиш мақсадида махсус кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олган махсус топшириқлар тизими чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур дастур асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг STEAM – таълим технологиясидан фойдаланишмалакасини шакллантириш ва уни ўтказиш методикасини тайёрлаш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишларининг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи кўрсаткичлар, шунингдек, тажриба-синов ишлари самарадорлигини аниқлаш мезонлари ёритилди.

Шундай қилиб, тадқиқот доирасида ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришнинг мажмуавий мезонлари аниқлаштирилди: ҳодисаларни илмий жиҳатдан тушунтириш; тақдим этилган муаммони таҳлил этиб, ҳал этиш йўллариини белгилаш; маълумотлар ва далилларни ўз фаразлари бўйича илмий талқин қилиш. Мазкур мезонларни тавсифловчи компонентлар белгиланди ва юқори, ўрта, қуйи даражавий кўрсаткичларда олинди (4-жадвалга қаранг).

Қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқликда 2019 йилдан 2022 йилгача уч босқичда тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари Наманган, Фарғона, Андижон вилояти муассасаларининг 974 нафар ўқувчи жалб этилди. Натижаларни ҳисоблаш учун 486 нафар тажриба ва 488 нафар назорат гуруҳларининг PISA va TIMSS тестларига берган жавоблари натижалари асос сифатида олинди.

